



## SOCIO-HISTORICAL FOUNDATIONS OF THE FORMATION OF THE IDEOSPHERE OF SOCIETY

*Nargiza Solieva*

Associate Professor (PhD)  
Sambhram University

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** society, ideosphere, socio-historical, community, culture, value.

**Received:** 13.03.25

**Accepted:** 15.03.25

**Published:** 17.03.25

**Abstract:** The article provides a scientific and theoretical analysis of the socio-historical foundations of the formation of the ideosphere of society and their development at the historical stages of the development of society, social relations, culture, scientific progress, and the evolution of spiritual values.

## ЖАМИЯТ ИДЕОСФЕРАСИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ИЖТИМОЙ-ТАРИХИЙ АСОСЛАРИ

*Наргиза Солиева*

доцент (PhD)  
Самбхрам университети

### МАҚОЛА НАҚИДА

**Калит сўзлар:** жамият, идеосфера, ижтимоий-тариҳий, жамият, маданият, қадрият.

**Аннотация:** Мақолада жамият идеосфераси шаклланишининг ижтимоий-тариҳий асослари ҳамда уларниң жамиятнинг тариҳий босқичлари, ижтимоий муносабатлар, маданият, илмий тараққиёт ва маънавий қадриятлар эволюциясида юзага келиши илмий-назарий таҳлил этилган.

## СОЦИАЛЬНО-ИСТОРИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ФОРМИРОВАНИЯ ИДЕОСФЕРЫ ОБЩЕСТВА

*Наргиза Солиева*

Доцент (PhD)  
Университет Самбрам

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** общество, социально-исторический, теоретический  
**Аннотация:** В статье дается научно-социально-

общество, культура, ценности.

исторических основ формирования идеосфера общества и их становления на исторических этапах развития общества, общественных отношений, культуры, научного прогресса, эволюции духовных ценностей.

Бугунги тарақкий этган маънавий давлатлар турмуш тарзига, ҳаёт даражасига, иқтисодий ривожланиш кўламига назар ташласак улар ўзларининг тарихий, миллий урфодатлари, қадриятлари, дунёқарашлари ва диний эътиқодлари ўз миллий менталитетига мос равища давлатчилик тизимини яратганлигининг гувоҳи бўламиз. Ана шу маънода биз бугун Янги Ўзбекистонни барпо этиш сари дадил одимлаётган эканмиз мамлакатимиз ривожи, ҳалқимиз истиқболи нафақат моддий-иқтисодий омилларга, балки жамият идеосферасига кўп жиҳатдан боғлиқ эканлигини ҳам чуқур хис қилмоқдамиз. Жамият идеосфераси жамиятнинг маънавий ва интеллектуал ҳаётини ифода этадиган катта тизимдир. Шу боисдан ҳам унинг таъсирчан кучини қалдан ҳис қилишга эҳтиёж ортиб бормоқда.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганлариdek, “Олдимиизга қўйган улкан вазифаларни амалга оширишда бизучун куч-кудрат манбаи бўладиган миллий ғояниузлуксиз ривожлантиришимиз зарур. Сир эмаски, ҳозирги вактда аксарият одамлар “мафкура” деган сўзга бироз ҳадиксираб қарайди, уни демократик жамиятга бегона деб ҳисоблайди. Лекин биз мафкура деганда аввало, фикр тарбиясини, миллий ва умуминсоний қадриятлар тарбиясини тушунамиз. Шу муносабат билан таъкидлаб айтмоқчиман: биз барпо этаётган Янги Ўзбекистон мафкураси аввало инсонпарварлик, эзгулик ва бунёдкорлик мафкураси бўлади.

Жамият идеосфераси жамиятнинг маънавий тараққиётини ва унинг умумий қарашларини белгилаб берадиган асосий омиллардан биридир. Идеосфера нафақат жамият аъзолари ўртасида ҳамкорликни таъминлайди, балки ижтимоий ўзгаришларга илҳомлантирувчи восита сифатида ҳам ишлайди. Инсон хеч қачон ташки дунёдан ўзини куршаб олган оламдаги ўзгаришлар, руй бераётган ходисалар, воеа жараёнлардаги ажralиб колган, уларни хис этмаган холда, уларнинг таъсирисиз яшай олмайди. Ҳалқлар, миллатлар, ижтимоий-сиёсий кучлар фаолияти туфайли содир булган турли ходиса ва жараёнлар одамлар онги, тафаккури ва дунёқарашига таъсир қиласди. Ҳаётда мақсади, юксак ғояси, эзгу орзу-интилишлари бўлмаган инсон ва жамият аъзолари табиий эҳтиёжлар доираси билан чегараланиб, маънавий юксакликка эришиши кийин. Умумлаштириб айтганда, “Ҳар бир инсон мақсадсиз яшай олмаганидек ва умуман

жамиятнинг конкрет тарихий кўриниши – мамлакатлар ҳам мақсадсиз ва узоққа мўлжалланган стратегик режаларсиз яшай олмайди”.

Шу боисдан ҳам жамият идеосферасига муносабат жамиятимизнинг оддий фуқароларидан тортиб, олиму фузалоларигача бўлган барча ахолини, мустақил фикрлаш, мушоҳада қилиш маданиятига эга бўлган кишиларни қизиқтирадиган масалага айланди, десак хато қилмаймиз.

Бинобарин, телевидение, радио, оммавий ахборот воситаларида ижтимоий соҳа, маънавият, маърифат, ахлоқ масаласидаги мавзуларда у ёки бу даражада жамият идеосфераси ва уни шакллантиришга ҳаракат этилаётганилиги ҳам айни ҳақиқатdir.

Инсоният тарихида жамиятлар ривожида идеосфера муҳим роль ўйнаган. Мафкуравий муҳит жамият мавжудлиги шароитида гоҳида бунёдкор, гоҳида вайронкор хусусиятларини намоён этиб келган. Мазкур хусусиятларнинг ўртасида фалсафанинг қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонуни асосида зиддиятли вазиятлар ҳам кўпинча содир бўлган. Мазкур зиддиятлар тараққиёт тамойили сифатида ҳам роль ўйнаган. “Жамиятдаги мавжуд идеосферани худди тирик организмдек тасаввур қилиш мумкин, у дунёга келади, ўсади, учрашади, кўпаяди, бошқа ғоялар билан тўқнашади, шунингдек, охир-оқибатда ҳалок бўлади”, деб таъкидлайди Б.Вебер.

Жамият идеосферасининг шаклланиши ва ижтимоий аҳамият касб этиши одамзоднинг пайдо бўлиши ва тараққий этиши билан боғлиқ.

Одамлар ҳаётга мослашиш, ўтрок ҳаёт қурабошлигандан бўён улар орасида индивидуал ва ижтимоий муносабатлар шакллангандан сўнг идеосфера одамлар ва ижтимоий ҳодисалар ўртасидаги сон ва сифат фарқларини белгиловчи, куч ва имкониятлар белгиси сифатида қарор топади. Кимнингдир жисмоний жиҳатдан эпчил, бақувват бўлиши, кимнингдир мерган ва меҳнаткаш бўлиши, бошқаларнинг тадбиркор ва тажрибали бўлиши аста-секин идеосферанинг жамият маънавий ва интеллектуал ҳаётини ифода этадиган восита сифатида шаклланишига олиб келган.

Ижтимоий ҳаётнинг мураккаблашуви натижасида якка шахс даражасидаги, имкониятидаги идеосфера гурух, ҳалқ, маънавий инсонларнинг билимлари, қадриятлари, эътиқодлари ва ғояларининг ривожланиши жараёнларида сайқалланиб, мазмун ва шакл касб этиб борган. Натижада ҳалқ тараққиёти, ижтимоий муносабатларда жамият идеосфераси одамлар, ҳалқлар, фаолият турларининг олдинга қараб ривожи, маънавий идеалига мадад берувчи тушунчага айланган. Ким бўлмасин, қайси соҳа ёки фаолият тури бўлмасин ижобий ва маънавий тажриба, билим ва фазилат сифатида идеосфера деган тушунча мақомини олган. Шу тариқа жамият идеосфераси одамлар орасидаги инсонийлик

ва улуғворлик, донолик ва комилликни кўрсатувчи, одамларнинг мураккаб ижтимоий тажрибасида уларни тўғри йўлга бошловчи фазилат, ўгит, билим, тажриба ва идеал сифатида ижтимоий-тариҳий аҳамият касб этиб борган.

Жамият идеосфераси шаклланишини бизнингча қуидаги шартли босқичларга ажратиш мумкин:

Биринчи босқич – ибтидоий давр одамларининг табиат ва унинг ҳодисалари тўғрисидаги содда қарашлари. Бу инсоннинг табиатдан “ајралиб чиқишидан” бошланиб, эрамиздан олдинги III-I асрларча бўлган давр.

Иккинчи босқич – тарихда антик деб аталган даврда яшаган олимлар томонидан, кейинчалик турғунлик саналган ўрта асрларда тўпланган жамият ҳақидаги қарашлар. Эрамиздан олдинги III-I асрлардан XIV асрларча бўлган давр.

Учинчи босқич – шу пайтгача жамият ҳақидаги назариялар тўпланган жуда улкан фактологик материалларни янада бойитган буюк географик қашфиётлар даврида уларни системалаштиришга интилиш. Бошқача айтганда, уйғониш даври – XIV- XVIII асрларни ўз ичига олади.

Тўртинчи босқич – XVIII – XIX асрнинг бошларида, ижтимоий-гуманитар фанлар ютуқларининг мафкуравий ғоялар пайдо бўлишига туртки бериши –сиёsatшунослик фанининг мустакил фан сифатида пайдо бўлиши.

Бешинчи босқич – XIX асрнинг бошидан 1866 йилгача бўлган давр – эволюцион мафкуранинг шаклланиши ва қарор топиши, сиёсий тадқиқотлар чуқурлаштирилиб, жаҳон хамжамияти эътиборнинг кучайиши.

Олтинчи босқич – XX асрнинг 80-йилларидан ҳозирга қадар илм-фан мафкуравий илмлар ва қарашлар комплексида инсон омилини эътиборга олевчи системали таҳлил устуворлашиб, жамият тараққиёти мониторингининг амалга оширилиши.

Жамият идеосферасининг ривожланиш босқичлари эса бизнингча қуидагиларни ўз ичига олади:

- Жамиятда шаклланган ва мавжуд бўлган ғоялар қабул қилиш. Бунда жамият аъзолари тарихий, диний ёки маданий анъаналар асосидаги ғояларни ўзлаштирадилар. Жамият мавжуд бўлган ғоялар асосида фаолият кўрсатади;

- Жамиятнинг илфор вакиллари тамонидан янги ғояларни илгари сурилиб, уларни мавжуд тузумга мослаштирадилар. Интеллектуал алмашинув ва инновациялар ушбу жараённинг асосини ташкил этади;

- Ижтимоий инқилоблар бўлиб туриши билан ҳам аҳамиятли. Бунда жамиятда мавжуд бўлган ғоялар жамият эҳтиёжларига жавоб бермай қолса, янги қарашлар

шаклланади. Бу эса ўз навбатида жамиятда инқилобий ўзгаришлар келиб чиқишига сабаб бўлади. Бу жараён тарихий жараёнлар давомида кузатилади.

Жамият идеосфераси ҳақида ингиз олими Ричард Докинс ўзининг “Худбин ген” асарида “идеосфера фикр дунёси учун биосфера ҳайвонот дунёси учун нима еканлигини англатади. Бизнинг цивилизациямиз идеосферадаги ғоялар курашидан келиб чиқади” - деган фикрни олдинга суриши билан аҳамиятли.

Жамият идеосферасини кўриб чиқишда бошиданоқ қуйидагиларни инобатта олишимиз керак. Бу жамиятнинг айнан бир соҳаси бўлиб, жамиятда ўзига хос вазифаларни бажарадиган, шу вазифаларни профессионал тарзда бажарадиган ва ўз ҳаётий эҳтиёжларини шу фаолият ҳисобига қондирадиган кўплаб одамлар, гурӯхлар ва ташкилотлар ташкил этиди.

Александр Зиновьевнинг тушунчасида жамият идеосфераси-бу бутун жамият учун ягона ҳаётий белгини белгилайдиган, индивидуал шахслар ва одамлар гурӯхларининг онгли ҳаракатларини ягона каналга йўналтирадиган ғоялар, таълимотлар, шиорлар тўплами

Умумий олганда, жамият идеосферасининг шаклланиши жамиятнинг ижтимоий-тарихий тараққиётининг мураккаб жараёнлари билан узвий боғлиқ. Ушбу жараён жамиятнинг тарихий босқичлари, ижтимоий муносабатлар, маданият, илмий тараққиёт ва маънавий қадриятлар эволюциясида юзага келади.

Жамият идеосфераси шаклланишининг ижтимоий – тарихий асослари юзасидан қуйидаги назарий хуросаларни қайд этиш мумкин:

- Илк жамиятларда идеосфера маҳаллий ташкилий асосларга, жамоавий қадриятлар ва диний дунёқарашларга асосланган бўлади. Тотемизм, мифология ва қадимий урфодатлар ғояларининг манбаи сифатида намоён бўлади;
- Ислом, буддизм, насронийлик ва бошқа динлар жамиятлардаги ғоявий қарашларни шакллантиришда асосий рол ўйнаган. Шу билан бирга, фалсафий тафаккур (масалан, Арасту, Форобий, Ибн Сино каби уламолар) жамиятнинг ғоявий ривожига катта таъсир кўрсатган;
- Миллий давлатчилик шаклланиши билан бирга мафкуравий ғоялар оммавий тус олади. Миллатчиликдан тортиб, социализмгача бўлган турли ғоявий йўналишлар жамият идеосферасини бойитди;
- Замонавий даврда ғоялар ва қадриятларнинг эркин ҳаракатланиши жамиятнинг идеосферасини универсаллаштирумокда. Интернет ва ахборот технологиялари бу жараённи тезлаштириб, маданиятларо мулоқотни кучайишига олиб келмоқда.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси - Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 2021. – 292-293 б.
2. Аҳмедов И.Н.Миллий ғоя шаклланиши, ривожланиши ва амал қилиш қонуниятларининг ижтимоий фалсафий таҳлили (ўзбекистон мисолида) Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (phd) диссертацияси автореферати самарқанд – 2020
3. Вебер Б. Энциклопедия относительного и абсолютного знания: -Москва, Гелеос, 2007. –с. 7.
4. Р.Докинс “Эгоистический ген” . М.: ООО “Издательство АСТ”, 2013 с.76
5. Зиновьев А. Идеология партии будущего. М.: Алгоритм, 2003 С.67